



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 56 (9802).

1990 йил 21 март • чоршанба •

Баҳоси 3 тийин.

## БУГУН—УМУМХАЛҚ ШОАДИЁНАСИ— НАВРЎ БАЙРАМИ



Рустам ШОЖАЛИЛОВ коллажи.

### Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорлари қурултойи қатнашчиларининг жумҳуриятдаги барча меҳнаткашларга МУРОЖААТНОМАСИ

Қадри ўртоқлар!  
Шу кунларда кўп миллатли Ватанимиз халқлари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ниҳоятда масъулиятли даврни бошдан кечирмоқдалар. Партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш жамиятининг бутун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жаҳдаларини қамраб олди, оманинг фаоллигини уйғотди ва ҳаракатга келтирди.  
1990 йил 12—15 март кунлари бўлиб ўтган СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди СССР Конституцияси (Асосий Қонуни) га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, СССР Президенти лавозимини тасис этиш масалаларини муҳокама қилди. Съездда ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев СССРнинг биринчи Президенти этиб сайланди. Барча совет халқи ушбу лавозимнинг тасис этилиши мамлакат иқтисодиётидаги тангликдан халос бў-

лишда кескин бурилиш ясалишига имкон беради, деган умид билдирмоқда.  
Ўтмишни танқидий идрок қилиш, эскича тафаккур қолипларидан воз кечиш жараёنлари давом этипти. Замон сиёсий ва иқтисодий системани, миллий муносабатларни, ижтимоий ва маънавий соҳаларни тубдан ўзгартириш масалаларини кун тартибига қўймоқда. Қайта қуриш жараёни зўр қийинчиликлар билан амалга ошаётганлигини кўриб турибсиз. Республикада ҳам турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларининг кескин тўқнашувлари, миллатлараро муносабатларда мушкулликлар учрамоқда.  
Шунинг ҳам жумҳуриятимизда йиллар мобайнида ўз ечимини қўйиб ётган қўлаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар мавжуд. Бугунги кунда айниқса қишлоқ аҳолининг турмуш даражаси жиддий эътиборга муҳтож. Қишлоқларда уй-

жойлар, шифохоналар, мактаблар, болалар муассасалари етишмайпти. Озиқ-овқат таъминоти ҳам яхши бўлма қўйилмаган. Меҳнатга яроқли 100 минглаб кишилар, айниқса ёшлар доимий иш топиш умидида яшамоқдалар. Пахта яқказироатчилиги оқибатида туپроқ унумдорлиги пасайиб кетди, атроф муҳит, сув ва ҳаво ифлосланди. Айниқса Орол бўйида яшаётган аҳолининг ачинарли аҳволи бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай мураккаб шароитда биз, қурултой қатнашчилари — колхозчилар ва ишчилар, деҳқончилик саноатининг раҳбар ва мутахассислари қайта қуриш тандирини учун, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун маъсул эканлигимизни унутмайлик.

(Давоми 2-бетда)

### ТАБИАТ ВА МЕҲНАТ АЙЁМИ

ХАЛҚЛАРИМИЗ кўнглига хуррамлик, шодлик бахш этиб, севимли Наврў байрами келди. Бу йилги Наврўнинг шавқу завқи ўзгача. 1989 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мафкуравий соҳадаги ишлар бўйича тузилган комиссияси Наврў байрамини бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг қўлабда ўтказмоқчи тавсия этди. 1990 йилдан бошлаб эса Наврў байрами кунини Ўзбекистонда дам олиш кунини деб эълон қилинди. Бу Наврўнинг ҳам амалий, ҳам тарбиявий аҳамиятини янада оширади.  
Наврў маълум муддатда давом этадиган байрам. Бу улуг айём кунларида иш-лаб чиқариш коллективларида, ўқув юрларида, ноҳия ва шаҳарларда маданий тадбирлар, оммавий сайиллар, байрам кечалари, мушоира ва адабий суҳбатлар ва бошқа тадбирлар ўтказилади. Марҳумлар хотираси ёдга олинади, уларнинг оромгоҳлари обод қилинади.  
Наврў барча халқлар, барча миллат ва эллар ўртасида дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи байрамдир. Бу байрамнинг пайдо бўлиши узоқ та-

рихга эга. Хоразмлик буюк олим ва мутафаккир Абу Рейҳон Беруний (973—1048) ўзининг «Ўтмиш ёдгорликлари» китобида (бу асар 1000-йилда ёзиб тугалланган) бу тўғрида қимматли маълумот беради. «Ўтмиш ёдгорликлари» Эрон, Хоразм, Суғд, Рум, Сурия мамлакатларида яшовчи халқларнинг ойлари, байрамлари тўғрисида бой далилларга эга. Бу китобда христианлар, нустурийлар, яхудиёлар, мажусийлар, исломдан олдинги араблар, мусулмонларнинг ҳаётига оид этнографик материаллар жуда кўп.  
Берунийнинг ёзишича, Наврў Эрон ва Урта Осиёда яшовчи халқларнинг энг қадимий байрамидир. Наврў Берунийнинг хабар беришига кўра «баҳор амғурининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунгача, ҳайвонларда (шаҳват) кўзгаллишдан то насл вужуд келгунгача ва ўсимлик унинг чиққо бошлашидан такомиллашгунгача давом этган вақтда келади» (Беруний «Танланган асарлар» 1 т. Т. 1968. 253 б.). Яна Беруний ёзадики, Наврў оламнинг бошланishi ва яратилишига далил қилинган. Уша кунини фалаклар ҳаракати ва вриқчилар сайри

тўхталлишдан ҳаракатга қайта тушган: қуёш пайдо бўлиб у тўфайли йиллар, ойлар, кунлар маълум бўлган, олам яратилиб биринчи инсон Каюмарснинг пайдо бўлиши ана шу кунда юз берган. Ҳатто худо олами яратган олти куннинг биринчи кунини Наврў бўлган деган ақида ҳам мавжуд. Беруний бу мулоҳазаларни турли обрўли манбаларга суяниб келтиради. Шулардан маълум бўладики, Наврў — Эрон ва Урта Осиё халқларининг энг қадимий байрами, бу байрам ҳаётнинг пайдо бўлиши, инсон наслининг вужудга келиши билан боғлиқ байрам деб ҳисобланиб келинган.  
Улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг «Тарихи мулуки Аҷам» китобида Наврўнинг пайдо бўлишини Аҷам подшоҳи Жамшид билан боғлайди. Жамшид Аҷамнинг Пешдодийлар сулоласига оид ҳукмронлардан бири. Унинг мамлакатни адолат билан бошқарганини Навоий бирма-бир тасвирлаган. Жамшид

(Давоми 2-бетда)

### АМАЛИЙ ИШГА КАМАРБАСТАМИЗ

РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ ХОДИМЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ СЎЗИДАН  
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси М. М. Мирқосимовнинг докладыни муҳокама қилиш юзасидан бошланган музокараларда қизғин баҳслар ва мунозаралар авж олиб кетди. Ўзбекистоннинг ҳар тарафидан келган вакиллар ўзларига хос ва умумий муаммолар хусусида гапирдилар, шу муаммоларни ҳал қилиш йўллари биргаликда изландилар. Шу нўтилардан айрим парчалар келтирамиз.  
Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбосев номли колхоз раиси М. Рўзमतов одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоларини, пахтакорларнинг меҳнат шарафини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш ҳақида гапириб бундай деди:  
(Давоми 3-бетда).

### МУБОРАК БЎЛСИН

Наваҳор кўёш ерни уйғотди,  
Зариф тонлар танбал елни уйғотди,  
Қушларнинг индос элни уйғотди,  
Ошиқман, кўз очган кўртқада кўзим,  
Қадамнинг муборак бўлсин, Наврўзим!  
Табнат бағрида қайнар галаён,  
Гул, чечак атрга кўнглимиз ҳар ён.  
Тўғин пайтаванга кўрт тушди деҳқон,  
Тирки жон англамоқ истайди ўзин,  
Ташрифнинг муборак бўлсин, Наврўзим!  
Киз, жувон, қайвон... жонлари ҳалак.  
Дошқозонда лим-лим қайнар сумалак,  
Чоллар дуо ўқир омонлик тилаб,  
Сен борсан — юртимнинг бутун ризқ-рўқ.  
Қадамнинг муборак бўлсин, Наврўзим!  
Нодонлар ҳўқимда жаҳолат тўйдим. —  
Катагон этилдинг... юракдан кўйдим,  
Бирок халқим сени жон қадар сўйдим.  
Йилга татигули қутлуг кун — ўзинг,  
Қадамнинг муборак бўлсин, Наврўзим!  
Сен янги кўндирсан — жамолнинг тўнсин,  
Ошифта қўнғилга қамолнинг тўнсин,  
Ҳалким, сумалақдай тавомнинг тўнсин,  
Йилга татигули қутлуг кун — ўзинг,  
Қадамнинг муборак бўлсин, Наврўзим!  
Рустам ҒАМҒЕВ.

# Ўзга табиғатлик кутлуғ кун - Ўзинг

## ТАБИАТ ВА МЕҲНАТ АЙЁМИ

[Давоми. Боши 1-бетда].

шид Истахр шаҳрини кенгайтириб, у ерда «Чқиқил минора» («Қиққ минора») деган бир иморат бино қилди. Шу иморат битгач, оламдаги барча султонлар, улуг зотларини йиғиб катта тантаналар ўтказди. Кўёш бераварлик нуқтасига етган кун эди. Ҳар ёнда байрам савту садолари янгради. Жамшид... ул куннинг отини Наврўз қўйди. (Невоий, Асарлар. т. 14 с. 187 Т. 1967).

Наврўз ҳар йили эрта баҳор пайти тун ва куннинг узунлиги бир хил бўлган кунга тўғри келади. Бу пайтда табиат қишқи уйқудан уйғона бошлаган, осмонда оқ булутлар қаровон сайр этаётган, бутун борлиқ ўзига оро бериб гўзаллик касб этаётган бир мавсумдир.

XV асрда яшаб ижод этган улуг ўзбек шоири Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» дostonида Наврўз байрамига алоҳида ўрин берилган. Шоир Наврўз пайтда оламнинг хуррамликка юз ўйргани, ён-ён эсган сабонинг ҳаётбахш сурурини, чаманлар чиройи жаннатдан нишон берганини завқу шавқ билан тасвир этади.

**Ушул дамдаки, олам эрди хуррам  
Сабо урди дами Исойи Марям.  
Чаманлар бўлди жаннатдан намудор  
Очилди гул, сочилди мушк тотор.**

Лутфий Наврўзнинг янги йил боши эканини таъкидлаб ўтади. Худди шу фурсатда дostonнинг қаҳрамони дунёга келади. Янги йилнинг бошида рўзи Наврўз

**Садафдин чикти бир дурри шабафрўз.  
Отанинг орзу-нияти ушоди. Интиқ бўлиб  
Кутган фарзанди Наврўз байрами  
Пайтида оламга кўз очди. Бундай файзли**

айёмда туғилган болага отаси Наврўз деб ном қўяди.

**Чу Наврўз ўлди, наврўз ичра Ферўз  
Ота ўғлининг оти қўяди Наврўз.**  
Наврўз байрами халқимиз ўртасида кенг шўхрат толган севиқли байрам бўлиб қолди. Уни ҳаммаша шодлик билан қадрлаб нишонлар эдилар.

Баҳор тароватини ҳар ён таратиб нағмапардозлик билан кириб келган Наврўз байрамининг сафобахш кунларида ҳаммамиз бир-биримизни бу кутлуғ айём билан табрик этамиз. Мен биринчи табрик сўзларимни муҳтарам ва мўътабар оналар номига йўллайман. Оналар — инсониятнинг энг азиз, энг улуг қисми, балки бу инсониятни аждуга келтирувчи, бир парча этдан буюк бир иккодор, вужудни тарбиялаб ўсдирувчи зотлардир.

**Оналарнинг аёни остидадур  
Равзо жаннат гул кўчатири  
Равзо боғин висолини кстар эсанг  
Бўл онанинг аёни тупроғи.**

[Навоий]

Дарҳақиқат, оналар ўз кўкрак сuti, меҳри нафаси, оқилона муомаласи, ҳасиз ва фидокорона муҳаббати билан кишиларни волега етказдилар. Наврўз байрамининг муборак бўлсин қадрли оналар, фарзандларингизнинг бахтиёрлигини кўриб, улардан мамун бўлиб узоқ умр кўрингиз!

Оила бошлиғи, боқувчи, таъминловчи, ҳамма оналарнинг паноҳи, ҳимоячиси, ҳаёт тажрибасидан ибрат олиб юксак даҳо касб этган падери бузрукворлар! Сизларнинг чин қалбдан Наврўз байрами билан кутлаймиз! Сизларга узоқ умр, সিда-томатлик, яхши кайфият тилаймиз. Оила-

лар бошидан сизларнинг файзли соянгиз эримисин.

Муҳтарам ва севиқли опа-сингиллар, аке-укалар! Наврўз ёшлик ва гўзаллик байрами. Бу кутлуғ ҳаёт кунлари сизнинг ўйнаб-кулиб, шоду хуррамлик билан, кўнглингиз тўлиб байрам қилишингизни кўриб қувонсан киши. Ҳар бир кунингиз, умрингизнинг ҳар бир соати хушвақтлик билан ўтсин. Бунинг учун эса киши эл-юртга, одамларга, ижодий меҳнатга севаги билан яшамоғи шарт. Оналар ва оталар ҳурматини жойига қўйиб, уларнинг кўнглини шод этингиз. Уларнинг эзгу ўғитларини ҳаммаша ёдда тутинг. Ҳар бир ота ва она ўз фарзандининг бахтли бўлмоғини тилайди. Наврўз Бў олижаноб, ҳайрли тилакларнинг ижобатиға хизмат қилажак.

Наврўзнинг сафоли кунларида ўтказилган ҳар бир ниҳол бир кунни азамат дарахт бўлиб етилади. Унинг меваларидан кишилар баҳра оладилар. Наврўз кунлари ўтказилган гул кўчатири гўнчалар очиб, ўлкамиз жамолига хусн бағишлайди. Наврўз фурсатида далаларга сепагин уруғлар элинг риқзи-рўзини таъминлайди. Ана шундай яратувчилик меҳнати кўнгиларга фараҳ бахш этади, ҳаётини кўчур мазмун билан тўлдиреди.

Азиз юрдошлар! Бизнинг ўлкамизда асрлар давомида кўп халқлар, миллат ва элатлар бир-бири билан бир оиланинг фарзандлари, ёру биродарлар каби яшаб келадилар. Биргалишиб меҳнат қилиб бу ўлканинг камолини таъминлайдилар, унинг истиқболини яратдилар. Бизнинг куч-қудратимиз, давлат ва бойлигимиз ана шу дўстлигимизда, биродерлигимиздадир. Барча мавжудотлар ичиде энг мўътабар инсондир. Инсонпарварлик, халқпарварлик чин инсонга хос олижаноб бир фазилатдир. Наврўз айёми ана шундай фазилатларга камол берувчи кутлуғ айём. Қардошлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз, бирдамлигимиз юксалаверсин, эл обод, халқлар қалби шод бўлаверсин.

Наврўз байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Азиз ҚАЮМОВ.

### ЛАПАРЛАР АЙТИБ

● ТОШКЕНТНИНГ «Ўзбек-селимаш» ишлаб чиқариш бирилшасидан ўнлабки узоқ бўлмаган жойда номи жаҳонга машҳур бўлган Ботаника боғи бор. Бу ерда етиштирилган турфа гуллар, лолалар навиға иштиққанд бўлиб хат йўллаётган чет мамлакатлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Боғда олимлар, илмий ходимлар билан унға яқин бўлган «Обод» маҳалласидан кўпчилик хотин-қизлар ҳам меҳнат қилишади. Улардан бир гуруҳи ақинда боғ директори ўринбосари Асадулла Шарипова Наврўзни ўз иш жойларида байрам қилишларини айтиб, сумалак пишириш ниятида эканликларини билдирган эдилар.

— Бажонидил, — деди у. — қайтага яхши бўлади. Боғдаги кўкатлардан тоиллар ҳам тайёрлайсизлар. Меҳмондорчиликка бола-чақаларни таклиф қилишни унутманглар.

Бугун чаманзордаги дошқонун атрофида бу ерда кўп йиллардан бери хизмат қилаётган Хосият Собирова, Насиба Орипова, Мамлакат Ниёзова, Лutfий Қосимова, Севара Абдурахмоновалар лапарлар айтиб сумалак тайёрлашга бош-қош бўлишади.

М. НИШОНБОВА.



**ОМОНЛИҚ,  
ҲЕЙ ОМОНЛИҚ**

Омонлиқ, ҳей омонлиқ,  
Етди Наврўзга.  
Унутлисн ёмонлиқ.  
Кут бер, ризқ-рўзга.

Сумалак бир баҳона  
Ғанимат дийдор.  
Шу урфимиз шохона—  
Оқибатга ёр.

Замонга минг шукрим,  
Етди Наврўзга.  
Мақса ўсибди дуркун  
Сўрай мен кўзга.

### ЭРТА ТОНГДАН БОШЛАНАДИ

● ТОНГИ соат олтидан маҳалла чойхонасига ўрнатилган радиоканрай орқали аҳолини пойтахтдаги Киров ноҳиясининг «Оқтепа» маҳалла кўмитаси раиси Ўбайдулла Маҳкамов, кўмига фаолларидан педагог Зарофат Усмоновалар Наврўз билан кутлайдилар ва катта-ю кичкин байрам дастурхонига таклиф этадилар. Худди ана шу вақтда маҳалла ошпази Мирзарахим Комиллов катта дошқондаги ошин даялаётган бўлади. Хонадонлардаги пазандалар кўкатлардан тайярлаган турли тоиллар, сомсалар ва бошқа неъматлар билан дастурхон бозатилади.

Байрам тантанаси очилгач, шодиёнага йиғилганларни маҳалла кексалар кенгашининг раиси Отабой Турсунов, шу ерлик биологига фанлари доктори Собир Мирвалиев, 80 йашли табаррук ва қаҳрамон она катта-ю кичкин байрам дастурхонига таклиф этадилар.

Сўнгра байрам иштирокчиларига Тошкент маданият институти педагоглари, юқори курс талабалари концерт кўрсатадилар.

Е. МУМИНОВА.



### ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР...

Эшитмадим деманглар-лар,  
Тўлпорда роса елдим,  
Эшитманлар тингланглар  
Наврўзга чорлаб келдим.

Мен юрай тоғлар оша,  
Кувончларин тошриб,  
Толқимас ҳеч тойчоғим,  
Жуда мустаҳкам белм,  
Хизматда овучоғим,  
Бу йил ахир От йили.

Ҳарёнда тўя-томоша,  
Сайилларга шошлинг,  
А. ЗУФАРОВ сурат лавҳалари.

## Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорлари қурултойи қатнашчиларининг жумҳуриятдаги барча меҳнаткашларга МУРОЖААТНОМАСИ

[Давоми. Боши 1-бетда].

Биз КПСС Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига Муурожаатини, СССР халқ депутатлари съездлари дастурларини қўллаб-қувватлаймиз ва тўшланиб қолган муаммоларни фақат қонунчилик, демократия, ошкоралик, юксак уюшқоқлик ва мустаҳкам тартиб-интизом орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Жамиятга, умумхалқ манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни, миллий туйғуларни камситиш, қайта куриш йўлидаги қийинчиликлардан фойдаланиб атайлаб можаролар, тартибсизликлар чиқарилишини қатъий қоралаймиз. Норасмий ташиқлотларнинг айрим раҳбарлари ана шундай йўл тутмоқдалар. Улар жумҳурият партия-ҳукумати-нинг ижтимоий-иқтисодий соҳалар муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишларини камситишга уринмоқдалар ва бу тадбирларни ўзларининг иши деб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумҳуриятимиздаги кексаю ёш, ишчи деҳқон, зиёлию талаба уларнинг ивгогарона даъватларига умчасликлари керак.

**Азиз ўртоқлар!**  
Пахтачилик бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолавереди. Зотан йўл қўйилган айрим нуқсон ва камчиликлардан халос бўлишса, бу соҳа деҳқон учун катта даромад манбаидир. Ўтган йили пахтакорларимиз давлатга 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» сотиб, планини муваффақиятли ўринладилар. Жумладан, жами маҳсулотнинг 4 миллион 100 минг тоннаси биринчи ва иккинчи навларга топширилди. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил олинди. Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган шаҳарлини хашарчилар сони анча қисқарди, бу ишга ўқувчи ешларни мажбуран жалб этиш ҳолигага чек қўйилди. Ҳосилнинг ярмидан кўпроғини механик-ҳайдовчиларимиз териб бердилар.

Жорий йилнинг хусусияти бўлакча. Илк бор пахта якказиротчилигини тугатиш, алмашлаб экинни қўллаш натижасида тупроқни соғломлаштириш, Озиқ-овқат дастурини амалий ҳал этиш имкониятлари яратилди. Зеро, жумҳурият қишлоқ хўжалиги оқсоқоллари ҳам бир беш йиллик мобайнида пахта етиштирилганлигини эслаб олишмас керак. Ҳозир эса бу амалдаги ҳақиқатга айланди.

Эндиликда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қоғозларда эмас, балки амалда, иқтисодий омилларга таянган ҳолда олиб борилмоқда. Ўтган йили I ва II нав пахтанинг ҳар бир тоннасига 120 сўмдан, III нав учун 90 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Жорий йилда ушбу қўшимчалар янада салмоқли бўлади.

яъни тегишли равишда 210 ҳамда 120 сўмини ташкил этади. Хомаки ҳисоблаганда бу қўшимчалардан ҳар бир хўжалик ўрта ҳисобда 660 минг сўм даромадга эга бўлади. 1991 йилда пахтанинг нархи оширилади. Натияжада тармоқ самарадорлиғи кескин кўтарилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш билан боғлиқ эканлиғи ҳеч кимга сир эмас. Харид нархлари кўтарилишда меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, мелiorация ишларига, техника ва ўғитта кетадиган харажатлар ўрнини қоплаш билан бирга қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини ривожлантириш имкониятлари вужудга келди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархларини ошириш масаласини ҳал қилишни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан қатъий сўрамоқда.

Ҳозирги вақтда иттифоқ органлари республиканинг пилла, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш тўғрисидаги таклифини қабул қилди

Мева-сабзавот маҳсулотларига шартнома баҳоларини жорий этиш ҳақидаги ҳукумат қарорини моддий рағбатлантиришинг яққол намунаси деса бўлади. Эндиликда ушбу маблағларни оқилона тақсимлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда хўжасизлик ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик мумкин.

**Қадрли ўртоқлар!**  
Сизларни илмий асосланган алмашлаб экинни кенг жорий этишга, фан-техника тараққиети ва илгор тажрибалардан унумли фойдаланишга чақирамиз. Пахтачилик билан бир қаторда богдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликни ривожлантириш, чорва моллари учун озуқа экинлари майдонларини кенгайтиришга жиддий эътибор берайлик.

Бугунги кунда дўконлар ва бозор пештахталарини сабзавот, мева, гўшт ва сўт маҳсулотлари билан тўлдирившдан муҳимроқ иш йўқ. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилиш, фан тавсияларидан ишлаб чиқаришга билимдонлик ва тадбиркорлик билан фойдаланиш, яқара ва хўжалик юритишининг бошқа янги шакллари кенг жорий этиш зарур.

Азиз қишлоқ аҳли!  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва жумҳурият Министр-

лар Советининг қарорига биноан ҳозиргача 393 минг янги оилага томоғица берилди. 909 минг оила эса қўшимча томоғица майдонига эга бўлди. Ана шу мақсадларда энг серҳосил, сўғорилади-қан 160 минг гектар экин майдони тақсимланди. Энди бугун сизнинг тадбиркорлигингизга, ғайратингизга, деҳқончилик илмини қанчалик пухта эгаллаганингизга боғлиқ. Томоғица ерларидан қанчалик самарали фойдалансангиз, шунчалик кўп озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирасиз, хонадонингиз тўкин-сочин бўлади. Шаҳарлик биродарларингизнинг дастурхонига баранга кирди. Шу боисдан томоғингизнинг ҳар бир қариқидан унумли фойдаланиш, чорбоғларингиз эрам саҳаватини эслатсин.

Жумҳуриятимизда хотин-қизларнинг тақдири ва болаларнинг келажакига алоҳида эътибор берилаётганлигини сезиб турган бўлсангиз керак. Мақтаб ўқувчиларининг бепул оқватланишини ташкил этиш, кексалар ва ногиронларга бериладиган нафадаларни кўпайтириш учун бир неча ўн миллионлаб сўм маблағ ажратилди. Қишлоқдаги хотин-қизларнинг меҳнат шарафини яхшилаш, кўп болали оналар ва уй бекаларини иш билан таъминлаш борасида ҳам хайрли ишлар қилинмоқда. Ҳар бир хўжаликда аёллар меҳнатини енгиллаштириш, Қаҳрамон оналарга бериладиган нафақа миқдорини ошириш имкониятлари қиридиб топилса, айни мудида бўлур эди.

Озиқ-овқат режаларини амалга оширишининг муҳим омил бўлган чорваччилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида сўнгги йилларда бир мунча ижобий силжишлар рўй берди. Чорва моллари зотлари яхшиланимоқда, маҳсулдорлик ошмоқда. Сўнгги тўрт йил мобайнида қолхоз ва совхозларда гўшт ва сўт етиштириш 4.1 баравар, тухум етиштириш қариб 50 фоиз кўпайди. Бунга чорваччиликда меҳнатни ташкил этишининг илгор усуллари дадил жорий қилинаётганлиги туфайли эришилди. Соҳада яқара, пудрат каби самарали усуллари ривожлантириш, ўзини оқлаётган фермерлик хўжаликларини кўпайтириш асосий йўналиш бўлиб қолади.

Жумҳуриятимизда жорий йилда ҳам сув таъминлиги бўлиши кутилмоқда. Шу боисдан сув хўжалиги ходимлари, қолхоз ва совхозларнинг раҳбар ва мутахассислари, деҳқонлар, томоғица эгалари оби ҳаётнинг ҳар бир томчиси ҳам беҳуда исроф бўлмаслиғи сизларга боғлиқ. Ақду-заковатингиз, тадбиркорлигингиз, тежамкорлигингиз туфайли сувингизга эмас, техникани, ўғитларни, экин майдонларини тежашга, улардан самарали фойдаланишга эришингизга ишонамиз.

Пахта майдонлари камайганлиги, то-

моғица ерлари берилганлиги туфайли бу йил ва бундан буён мева ва сабзавот маҳсулотларини кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бу эса қайта ишлаш тармоғи меҳнаткашлари олдига жиддий вазифалар қўяди. Қайта ишлаш корхоналарининг имкониятларини ошириш, жойларда кам қувватли маҳсулотни қайта ишловчи цехлар қуриш лозим. Бундай цехлар хўжаликларда ва шахсий томоғица қарларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўша жойларнинг ўзида қайта ишлаш имкониятини беради. Тармоқ меҳнаткашлари ўз маҳсулотларининг сифатини яхшилашлари ва хилларини кўпайтиришлари, ишлаб чиқаришини қийинлаштириш, ишлаб чиқаришини қийинлаштириш технологиясини жорий этиш йўлида кўпроқ бош қотиришлари талаб этилади.

Муҳтарам шаҳарликлар! Саноат ва қурилиш корхоналарининг ишчи ва хизматчилари!

Ҳозир аҳолига томоғица ерлари берилиши муносибати билан қишлоқда кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги сизларга маълум. Дарҳақиқат, шу кунларда бутун Ўзбекистон ушдан қурилиш майдонини эслатилади. Шу тоғда қишлоқ аҳолиси сизларнинг маданийгизга, кўмаганигизга муҳтож. Уларга қўллаб қурилиш материаллари, техника ва илгор, технология зарур. Қишлоқдаги уй-жой, мактаблар, боғчалар, шифохоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши, Сизнинг бевосита ёрдамингизиз амалга ошиши мушкул. Шу боисдан деҳқонлар ҳаммаша саҳаватингизга умид боғлайдилар. Биз эса ушбу ғамхўрлигингизга жавобан дастурхонингизни дала неъматларига сероб этамиз.

Илм-фан намоиядлари, шаҳар ва қишлоқ зиёлилари! Сизларнинг мураккаб ва шарафли меҳнатингизни беивҳа қадраймиз. Пахтачилик, богдорчилик, деҳқончилик, чорваччилик ва бошқа тармоқлар самарадорлигини оширишда қишлоқдаги иқтисодий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳали сиз кўп ғайрат-шиқоят, тадбиркорлик кўрсатасиз, деган умиддамиз.

Қишлоқдаги муаммоларнинг муваффақиятли ҳал бўлиши шубҳасиз кўп жиҳатдан еринг ҳақиқий хўжалиги бўлган деҳқоннинг маънавияти, инсоний фазилатлари, заминга ва насбига бўлган меҳру муҳаббатига боғлиқдир. Энг аввало элини кийинтирувчи ва тўйдирувчи деҳқонни эъзозлайлик, ҳурмат-эътиборини жойига қўйайлик. Узоқ йиллар давом этган шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларининг ситамларидан, ғуборларидан тамомила фориғ бўлсин. Деҳқоннинг қалбидаги шубҳа ўрнини ишонч, умидсизлик ўрнини келажакка интилиш ораси эгалласин.

**Азиз ўртоқлар!**  
Ҳозирги агар сизсат жамиятни инкилобий ўзгартиришининг асосий таркибий қисмидир. Ҳолбуки, шундай экан, қайта қуришнинг муваффақияти қишлоқ хўжалиги ходимлари, қайта ишлаш тармоқлари меҳнаткашларининг самарали ишларига боғлиқлигини ҳар дақиқа ёдда тутайлик.

Бугун куч-ғайратини, билим ва маҳоратининг озиқ-овқат режаларини шараф билан бажаришга сафарбар атайлик. Халқимиз дастурхонини шу йилнинг ўзидеки гўшт ва сўтга, мева ва сабзавотга ҳамда бошқа ноз-неъматларга дўкин-сочин бўлсин.







СУРАТЛАРДА: Сумалак сайли оилари. Р. ШОЖАЛИЛОВ суратлари.



### ҚОР ОСТИДА САЙИЛ

ЯҚШАНБА кунини тунгда уйқудан кўз очган одамлар ташқарида росмана қор ёғатганининг гувоҳи бўлдилар. Гўёки табиат Наврўз арафасида борлиқни оққа бурқаб, уни яна бир поклаб олмақчи-дек туюларди. Бундай ҳақиқат бирор тadbир ўтказиш амри мақол. Аммо, пойтахтнинг С. Раҳимов ноҳиясидаги Ойбек маҳалласида истиқомат қиладиган ўзларни ўтказадиган Сумалак сайлини янада кўтаришқор кайфиятда давом эттиривердилар.

Кулги авжида. Шўх лапарлар айтиб, рақсга ташуватган хотин-қизлар чохрасидан табасум армайди. — Авларимиз ҳар қанча кўнглишушлик қилишса арзийди,— дейди маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раисаси Қимёхон Усмонова. — Чунки, бугунги дастурхон улар ҳо-латинда. Келинларимиз тайёр-леган кўксомса, норин, чучу-вар, турли пишириклар сайил иштирокчилари ва меҳмонларига гоат манзур бўлмоқда. Маҳалла эриклари даврасида ҳам қувноқ кайфият ҳужирон. Бу ерда аскиябоз-лиқ, шўх кулги армайди. Би-рин-кетини сўзга чиққан маҳал-ла комитети раиси У. Пулатов, жуғрофия фанлари док-тори, профессор З. Ақромов, фан номзодалари Ф. Зикри-

лов, У. Абдуллаев, Ш. Ко-милов, маҳалла фаолларидан Х. Гуломов, Ф. Нуржўяев, О. Орифзонова, Н. Рустамов ва бошқалар қайта тикланган Наврўз ҳақида мазкур шадидна муназарани кўчатиб, маҳалла кўчаларини янада обод қи-лиш лозимлиги тўғрисида, бугунгидек ахиллик, товуликни тора мустаҳкамлаш дер-корлиги хусусида гапирдилар. Шу кун сайлига йирилган-лар Гулчехра ая ва Озода опа Зойировлар бошчилиги-да тайёрланган сумалакдан тотиб кўриш билан бир қатор-да, Янгийўл ноҳиясидаги тақлиф қилинган «Заррин ян-дор» фольклор-этнографик ансамбли ижросида лапар-лар тинглаб, рақслар томоша қилдилар. У. ҲИҚМАТОВ.

## ЗЕБОЛАНИБ ТАШРИФ БУЮРДИ

Единда бор, ёш болалар эдик. Маҳалла-мадан ўчалик узоқ бўлмаган эриқлар бўйида ўртоқларим қатори чоғроқ халта-чада яллиз териб келдим. Аяқимим қуна-бек кетдилар. Яллиздан уч-тўрт донасини олиб «омонлик-омонлик» дея юз-кўзла-рига суртдилар-да: — Мана, қизадоғим, табиат қайта йи-гонди. Энди ҳаммаёқ яшнаб кетади, инсон ризқи-рўзининг даракчилари — кўкатлар бодраб ердан бош кўтаришпти, наврўзга етказганига шўкр,— дедилар.

турхон неъматлари, яллиз, қирқиз, жағ-жағ каби шифобахш гўллардан тайёрлан-ган тансиқ тасмаларни бир-бирларига илти-фот билан инъом этиб татиб кўришларини сўрайдилар. Бу яхши одатларимизнинг тарбиявий аҳа-мияти шундаки, гавжум сайилларда оилада-ги янги келинчақлар, бўйи етган қизлар, ўз пазадликларини намойиш қилишга, ол-қишлар олишга ҳаракат қиладилар, бошқа дугоналар олдида уялиб қолмаслик учун бор маҳоратларини ишга соладилар.

Наврўз байрами баҳонасида бўйи етган қизлар, мўйлаби сабза урган йигитлар бир-бирларига табасум улашдилар. Қайнона-лар ўз келинчақларини оғизларидан бол томиб мактайдилар. Хуллас, кўнгли очил-ди, дилдан сўхбат кўриш учун Наврўз байра-мига ҳамма-ҳамма шошилди.

Наврўзнинг яна бир ажойиб ҳислати бор. Унинг бошланғич билан инсонлар ўртаси-даги гина-аламлар унутлади, кишилар бир-бирларига соғиналар улашдилар. Бировлар-га гап билан озор берганлар улар айтиб бо-ш эгдилар. Шорлар ўзларининг шеврларидан ўқиб, баҳор гўзаллигини, унинг тарова-тинини кўлайдилар.

Ҳозиргина онам ҳар эрта баҳорда ял-пизни қафтарига қўйиб эъозлашсин, о-ларига Босиб «омонлик-омонлик» дейи-шни кўйиладилар. Ана шу одат эндиликда бизга ҳам ўтган. Бежиз эмас, албатта. Бу сўзлар замирида бир олам маъно мун-жасам экан. Инсон табиатининг қайта уй-ғон-нашисига ўзи эсон-омон этиб олган-нидан кўнгли тўлиб, кайфияти чоғ бўлиб, дил изорини баён этиш билан бирга, эл-юртга ҳам омонлик тилайди. Бирон жон-зот завоқ кўрмасин дейди. Бахш этган ку-вонин, инъомини учун она табиатга беҳад мамунлик билдиради. Шубҳасиз, бу уду-ҳали авлодлардан-авлодларга гўзал аъна-на сифатида мерос бўлиб қолаверади. Чунки бундан бир неча асрлар аввал пайдо бў-лган наврўз айёми мундарижасида одам-ларга малол келадиган ҳеч нарса йўқ. Аксинча, наврўз энг фойдали, энг чиройли одатларимизни кўз-кўзга этувчи шоднага айланади. У жуғралар дилдан гурунгулаш-диган, дугонелар қаб-қаблашадиган, кексалар хузур-ҳаловат қилиб ором оладиган бай-рам сифатида турмуш тарзини беъайди.

Қайта кўриш, демократия шарофати билан ўзбек халқининг севилими байрамлари яна қаддини ростлай бошлади. Наврўз билан бирга «гул бази», «Шерий аския», «Айтишув», «Қизлар мушораси», «Полвон-лик санъати» ва халқимиз қалбига тезроқ етадиган бошқа аънаналар тикланиб бора-са ҳам яхши бўлар эди. Бундай байрамларда она табиат гўзаллигидан завқлансин, унга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, ҳавт гашти, завоқли меҳнат таранум эти-лади. Шерий айтишувлар орқали буюк алломаларимиз меросидан баҳраманд бў-ламиз. Шерийга ёш авлодин ошно қи-либ борамиз.

Минг афсуслар бўлсинки, ўз халқининг ўтмишини, тарихини билмаган айрим-но-дон рақсбарлар турфайли наврўзнинг че-хра-сига қора парда тортилай деб қолган эди. Хайтовур бу кимсалар ниёти тезган-да саробга айланади. Энди биз яна Наврўз оғушидамиз. Мукимий мадҳ этганидек:

Сайил баҳонасида инсонлар қалбига жо бўлган шорларнинг шеврлари ифодали ўқиб борилади. Наврўз фақат дам олиш омилигина эмас, бу байрам инсонлар ораси-даги ахиллик, уюшқонлик, меҳр-шафқат, турли миллатлар ўртасидаги мустаҳкам дўст-лик уруғларини сочади. Ешларда инсоний-лик туғиларини, меҳнат кўникмаларини шакллантиради.

Наврўз очилиш гуллар Сабза бўлди боғлар, Сухбат айлайлик, келинлар Жуғралар, ўртоқлар

Тарихий удулларга биноян кексаларимиз-нинг панд-насихатлари, ширин сўзлари айниқса киши кўнглини хушуд этди. Наврўз кунини болалар неваре-чеварларига атаб даҳлат, гул кўчатлари ўтказдилар. Янги барпо бўлаётган боғга дастлабки ниҳол-ларини ўтказиб, қутлуг тилак билан ер ба-рига уруғ ташлайдилар.

Наврўзнинг энг фойдали хусусиятларидан бири оддийлик. Фасилларнинг тўла на-моси бўлишидир. Маълум, ҳозир ҳам ил-гарингдек сумалак тайёр бўлганда уни пи-ширишда қатнашганлар ва маҳалла ах-ли сумалакқўриқ қилиш учун қсайилга тақ-лиф эгдилар, ўзлари ҳавас билан тайёр-лаган таомлари билан бир-бирларини меҳ-мон қилдилар. Сумалакдан ташқари юп-қа, қатлама, чучура, кўксомса, халим, гў-жа оши, ун оши, қулчотай сингари дес-

Ушбу шодиёна айёмеда туғилган гўде-ларга исм қўйлади. Уларнинг ота-онала-рига тантанали равишда соғвалар тақдим эгдилар. Бу улуг айёмга Тошкент дорилфунуни журналистика факультети талабалари ҳам муносиб ҳозирлик қўйдилар. Наврўз бай-рамиде қизлар миллий кийимларда зебо-ланиб юрадилар. Соци узувлар учун қирқ қочқилар кўриги энг қизиқ ва бахтли тadbирлардан бири бўлади. Университет қиз-лар клуби фаоллари—депутатлар Алина Ҳасанова, Жамилхон Шермухамедовлар тузган сценарий асосида концерт ва кўр-сатувлар намойиш этишди.

Дам олувчилар эрта тонгданок янги су-зилган сумалакдан тановул қилиб хордиқ кичирилари ҳам мумкин. Хуллас, ҳамма ҳаммаиш соғиниб кутган Наврўзимизда дил-ниқс яраб, ўйнаб-қуламиз. Бир-биримиз-ни қутлуг айём билан муборакбод этамиз.

Азизахон ЗАЙНИДДИНОВА, ТошДУ доценти.

### КҮКЧАДА ШОДИЁНА

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Кўкча даҳаси Комаров кўча-сида истиқомат қилувчи аҳоли маслаҳатлашиб сумалак сайли-ни ўтказди. Кўкчанинг тансиқ томи қайнаган дошқозон атрофидаги ёш-қизларнинг юзида севиш. Улар халқ ла-парлари, қўшиқларини, сумала-к ва Наврўз тарихи ҳақидаги афсоналардан ҳикоя қи-лишмоқда. Қарилар билан ёшлар ўртасидаги мулоқот ан-чагина давом этди. — Биз бу йилги Наврўз байрамининг ўтказиш учун ҳар янги-га қараганда алоқиде тайёрларик кўрдик. Айниқса, ҳукуматимизнинг бу айёмини дам олиш кунини деб эълон қилиш бизни ниҳоятда руҳ-лантисиб юборди,— дейди маҳалла фаолларидан бири Р. Миралиева.— Шу босишдан сумалак тайёрлашда бугунги ундаришдан тортиб то масал-лигини қозонга солгунга қа-дар барча юмушларини ҳам-мамиз биргаликда бажардик. Айниқса, Х. Мансурова, Е. Норжўяевларнинг олиб-югуриб қилган хизматлари ту-райли сумалак тотли бўлди. Биз ўзбек халқининг бу миллий байрами ўшларимизда ота-бо-болларимизнинг урф-одатла-ри, расм-русмлари ва бошқа кўтүр аънаналарни содақот уйғоттишга ишончимиз комил.

### ХАЛҚ НАВРЎЗНОМАСИ

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ турғуллик даврида хал-қимизнинг жуда кўп ўрф-одатлари, ажойиб қў-шнқ ва лапарлари, расм-русмлари билан боғлиқ ўйин ва рақслари унутла бошланди. Эндиликда улардан айримларинига болаларимиз ва жомолари-миз хотирасида сақланиб қолган, ҳоло.

- ИЛБОШИ Одамлар, ботан одамлар, Боғда ҳитан бодомлар! Эшитилман деманглар, Бугун байрам — Илбоши. Сайилга, ҳо сайилга.
- Деҳқон дала айланди, Хўниз шокни мойланди, Омоқ, мола, чўна тиш, Деҳқонбобо шайланди.
- Арпа, бугдой сепилсин, Майса унуб етилсин, Деҳқон иши ўнг келсин, Омборларга дон тўлсин, Янги йилда қўт бўлсин, Қозон тўла сут бўлсин.
- Бугун байрам — Илбоши, Илбошига эл оши. Ҳар рўзгорининг ҳиммати, Паловин ё сўт оши?
- Қатиқ оши, сўт оши, Қўноқ бутча, сўт оши, Шавла пишган илбисек, Кичирининг зўр моши.
- Қўй гўштидан қулча бор, Жўхорида гўжа бор, Мою, қўйинг гўжани, — Товоқин тут ичгани... Деҳқон бобо, бўш келма, Қузда санар жўжани.
- Очилигимиз йўқ бўлди, Момо, қорин тўқ бўлди, Ризқимиз бутун бўлсин, Урнимиз узун бўлсин.
- Боғда бўлбўл сайрайди, Топ бағрини чайнайди, Шу уқандан сўрангиз, Қўнчоқдай ўйнайди.
- Омад бизга жўр бўлди, Нозу неъмат мўл бўлди, Бахтинизга тинч замон, Даври даврон зўр бўлди.
- Гул, долалар очилсини, Элу юртга сочилсини, Дом тинч замон бўлсини, Элу юрт омон бўлсини.
- Буйрагим серзавқ ўтказиш учун «Наврўз» фольклор гуруписи қизлари ташриф буюришди. Янгийўл шаҳар ма-даният бўлимининг «Селур» ижодий уюшмаси, Тошкент ноҳияси маданият уйининг санъаткорлари Алдар кўса, Насриддин афанди, Наврўз ва Баҳорийлар қувноқ аския ва хазил-мутобилақ билан бай-рамда иштирок этишди.
- Маросим омида намунали оиналарга илғор маҳалла ко-митети раислари ва хотин-қизлар кенгаши аъзоларига фəхрий ёриқлар топширилди.

### МЕҲМОННАВОЗЛИК КҮРИГИ

Тошкентда Наврўз байрами пойтахтнинг шартли дарбоза-лари ҳисобланган саккиз кўча-ларини қолонларда қарнай-сарнайлар кичиб келиши билан очилди. Ўзбек халқи-нинг қадимий миллий байра-ми ҳисобланган Наврўз бу-йини янада серзавқ ўтказиш жумҳуриятимизнинг барча қорхона ва ташкилотлари, умумий омақталари ва савдо бошқармалари қатта ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги Карл Маркс кўчаси, Халқлар дўст-лиги кўчаси, Алишер Навоий музейи ёнида бўладиган са-йилларда пойтахтимиз меҳнат-чилари ҳамда меҳмонлари тақсир таомлари — сумалак, халим, кўксомсалар, ўрама, қуштилик, бугирсоқ каби маҳ-сулотларини татиб кўриш билан бир қаторда шўх-шўх куй ва қўшиқлар тинглаш ҳамда ас-кия кечаларида иштирок этиш имконига эга бўладилар.

Бугунги тadbирда умумий омақталаниш бошқармаси томо-нидан 20 хилдан энди нои махсулотлар, 15 номдаги па-ловлар, ширчи, яллизлик чой, мурчиқ, қўқоқ, памил чой-лар тайёрланди. Шу билан бир қаторда байрам иштирок-чилари ўзларига манбўл бў-лган таомлар тайёрлаш асри-ларини моҳир ошпаз ва қан-долатчилар ёрдамида ўзла-штирилари мумкин. Бундан ташқари шу кунги тadbирда шаҳар савдо бош-бошқармаси саноат ва озиқ-овқат савдоси эришларини ўтказди.

Шаҳримиздаги кам таъмин-ланган 2 минг оилага ярим килограмдан ҳинд чойи ҳам-да икки банкадан қулопирин-ган сут бепул тарқатилди. Бундай сайиллар бошқа ноҳия марказлари, барча маҳалла ҳамда истриҳот боғларига уюштирилди.

НАВРЎЗ, баҳор, ёшлик, муҳаббат, қуй, қўшн... Бу калималар ўртасидаги аяно, сирди, ҳис-туғиёна йўғрилган ришталар кўз илғамас даражада бир-бирига пайвастадир. Шонр, адиб, бастакор, мусаввир зоти борик, албатта, бу мавзуга мурожаат этади, бу сўзлардан олам-олам илҳом, шавқ-завоқ олади. Қоғозга сеҳрли жумаларини битаётган қўл, қалам ва қалб ўзгача тўлқинланади, ўзгача тебранади. Бадиий асарлардан келтирилган қуйидаги парчалар ҳам фикримиз далилидир.

...ҚИШ ойлари билимай ўтиб кетди. Қўчаларининг қунгай томо-нида лой қуриб, ҳаваста юрадиган юмшоқ, қайрондай йилтирок сўмоқ йул тушди. Девор тағларда, паскам жойлардагина қолган кичик-кичик қор парчаларининг ранги ўчиб, тағидан силди-ган сув билан нураб тамом бўлмоқда. Анҳор ва ариқлар тўлиб лойқа сув келди, қир-гоқлар, майдонлар, қўна деворлар тутагандай, эрталабдан бошлаб буг кўтари-лади. Янгигоқ боғларга чик-так келди, эрта баҳорда қор-ни қуриб етиб келган қўшлар-нинг тумшугида ҳас, алла-қайсар дарахт танасида қи-зилитиш эрталабдан захмат-ли ишнини бошлади: тақ-тук, тақ-тук... Баҳор ёмғирининг ҳиди келиб турган илғоқ ҳаво ҳам-ма нарсасга юн қирғамон-ни... Ҳаммаёқ қўм-қўм бў-рамадан қўриғиб турган баранг гуллар очилди, хо-намнинг деразаларига чир-мовуқлар чирмаша бошлади.

ли нимжон, майин қўкатлар бош туртиб, томлар, қилқил-лар қўнмтир ранг билан қопладди. Одам баҳор келишини ҳа-вонинг нафасидан бутун ву-жуди билан сезади, қандай-дир таниш, ёқимли бир қу-вонч туйғуси қўнғилини ўсти-риб, одам ўзини қўшдай ет-тиб, соғлом ва тағриятли ҳис қиладди. Айниқса, тағида қи-зилитиш, ҳас, алла-қайсар бўлсанг, бу кўчаларда жа-ҳонда бор нарсани бира тў-ла қўнғинг келди!

Ҳаёт муҳаббати билан қа-ноатлангудуви илк баҳор-нинг латофатини бу қўнлар-га севишли хотин-қизларин-ининг, она-синиларимиз-нинг озолик байрам бутун руҳи билан мос тушган!

● РАШОД НУРИ ГҮНТЕКИН — «ЧОЛИҚУШИ» РОМАНИ: БУ ЮРТНИНГ баҳорини шундай ажойиб бўлар экан-ки... Ҳаммаёқ қўм-қўм бў-рамадан қўриғиб турган баранг гуллар очилди, хо-намнинг деразаларига чир-мовуқлар чирмаша бошлади.

## МАФТУН БЎЛМАГАН КИМ БОР?!

Боғчамизнинг эстагидаги тик жарлик яшил шоналарга ўх-шаб қолди. Бу яшилликлар ич-ида долалар янги яралар-дек қип-қизил бўлиб очил-ди. Бутун бўш қўнларимни боғчада Муниса билан бе-киммачоқ ўйнаш, арқонда сакраш билан ўтказамиз. Чарчаган кезларимизда мен расм солишга ўтираман, Му-ниса эса улоғи билан чаман ич-ида қўнлиб ётади. Менда расм солиш ҳаваси яна уй-ғонди. Бир неча кундан бе-ри сув бўёқ билан Муниса-нинг расминини чизмоқдаман. Ярамак қиз тик туриб бер-са, сурат алақачон битган бўларди, лекин жим туриш жонига тетади. Бошида да-ди гулларидан қилинган чамбар яланғоч қўнлариде улоқ билан рўпарамда жим ўтиришга тоғати етмайди.

● БУ АШУЛА ўша соати эсимдан ҳам чиқиб кетган эди. Орадан оғир ўтди. Ле-кин боғчамиздаги эртанин-г гуллар очила бошлаган ан-гирель қўнларининг бирда, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, эсимдан қўн ашулани хиргойи қила бошладим. Инсон қал-би нақадар тушуниб бўлма-диган бир муаммо! Атини бир мартагина аштанган шу ашуланин оҳангини, сўзла-рини қандай қилиб эсда олиб қолсам? Мана энди, нима билан машғул бўлмайин: қўшларга сув берамани, де-разамдан қўриғиб турган денгизни томоша қиламан-ми, ишқилиб, ҳамма вақт шу ашулани мингиллаб айт-

са бозорга янги қовун чи-қади ва ҳинд далаларида арпа ўрими бошланади. Аградаги Зарафшон бо-ғида баланд гулмоҳур де-раҳтлари бор. Бу дарахт-лар Наврўз арафасида бу-тун барглари бирдан гў-қадим, новдаларидаги ши-гил гўнчалар бирваранга очилди. Шунда япроқсиз новдаларнинг ҳаммаси Би-рик-Янрик қизил гуллар билан қопланади. Улкан гул-моҳур дарахтлари қип-қизил гулхалларга ўхшаб, қўзни ёндыради. Шунинг учун бу ажойиб дарахтни оловли мо-ҳур ҳам дейишади. ...Бугун соч ўрнимларин-нинг нозик бўйини ортида тўлғаниб турини Хонозда бегимга завқ берди: — Ҳамидабон, сизни қў-риб бир байт шеър едимга тушди. Айтайми? — Айтинг, ҳазрат бег-им, жон-қулоғим билан эшиттайми? — Узи асли шу боғда би-тилган. Раҳматини иним Бо-бурнинг газалидан: Гул жамолин ёқон ул қўн-лигини ики райхонидур, Гуна сирини очон ул икки лаби халдонидур.

Кўриб турибсизки, баҳор ва Наврўз илҳомлари адиблар қалбидан сизиб чиқиб, опоқ қоғоз авроқ-ларининг нафис белгиларга томшидир. Эзир этил-ган мисраларини ўқиган ҳар бир ўқувчи ҳам беихти-ёр ўзини баён этилиши ўшал боғлар, гулзорлар оғушида тасаввур этади ва янл фаслнинг аяно келинчаги — баҳор маликасига мафтун бўлиб қо-лади. Наврўзга, Баҳорга, Янги йилга мафтун бў-лмаган ким бор?!

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.